

**Юнусобод тумани Давлат хизматлари  
маркази томонидан 2024 йил йил  
22 июлда 2525122-сон реестр  
рақами билан**

**"IMPEX INSURANCE"  
Aksiyadorlik jamiyati Sug'urta tashkiloti  
акциядорларининг 2024 йил 17  
апрелдаги навбатдаги йиллик  
умумий йигилишининг  
қарори билан**

**"РҮЙХАТГА ОЛИНГАН"**

**"ТАСДИҚЛАНГАН"**

**"IMPEX INSURANCE"  
AKSIYADORLIK JAMIYATI  
SUG'URTA TASHKILOTI USTAVI  
(Янги таҳрирда)**

**1. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР**

1.1. "IMPEX INSURANCE" Aksiyadorlik jamiyati Sug'urta tashkiloti нинг (бундан буён матнда "жамият" деб юритилади) мазкур Устави Ўзбекистон Республикасининг "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ти Конуни (бундан буён матнда "Конун" деб юритилади) ва бошқа қонун ҳужжатлари асосида ишлаб чиқилган.

1.2. Жамият ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ти Конуни (06.05.2014 й. ЎРҚ-370-сон) ва бошқа норматив-хуқуқий ҳужжатларга мувофиқ олиб боради.

1.3. Жамиятнинг тўлиқ фирма номи:

Ўзбек тилида: "IMPEX INSURANCE" Aksiyadorlik jamiyati Sug'urta tashkiloti

Рус тилида: Акционерное общество страховая компания "IMPEX-INSURANCE"

Инглиз тилида: Joint-Stock Insurance Company "IMPEX-INSURANCE"

Жамиятнинг қисқартирилган фирма номи:

Ўзбек тилида: "IMPEX-INSURANCE" AJ ST.

Рус тилида: АО СК "IMPEX-INSURANCE".

Инглиз тилида: JS IC "IMPEX-INSURANCE"

1.4. Жамият ўзининг ўзбек тилидаги ёзилган, фирма номи кўрсатилган юмалоқ муҳрга эга.

1.5. Жамият манзили (почта манзили): 100057, Тошкент шахри, Юнусобод тумани, Кичик Ҳалқа Автомобиль Йўли кўчаси, 38А-уй.

Жамиятнинг расмий веб-сайти: [www.impex-insurance.uz](http://www.impex-insurance.uz); электрон почта манзили: impex-insurance@info.uz

**2. ЖАМИЯТ ФАОЛИЯТИНИНГ СОҲАСИ  
(АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ) ВА МАҚСАДИ**

2.1. Жамият тижорат ташкилоти бўлиб, унинг асосий мақсади молиявий-хўжалик фаолиятидан фойда олишдир.

2.2. Жамиятнинг асосий фаолият соҳаси сұғурта хизматларини кўрсатишдан иборат.

Қуидагилар Жамиятнинг мақсадлари:

1) Ўзбекистон Республикаси худудида сұғурта махсулотлари ва дастурларини ишлаб

чиқиш ва жорий этиш;

2) йирик сұғурта лойиҳаларида иштирок этиш;

3) қайта сұғурталашни амалга ошириш;

4) юридик ва жисмоний шахсларнинг сұғурта хизматларига бўлган эҳтиёжларини

қондириш;

5) хўжалик юритувчи субъектлар билан сұғурта соҳасида ҳамкорлик қилиш.

2.3. Жамият фаолиятининг асосий йўналишлари қуидагилардан иборат:

1) сұғурта фаолияти классификатори умумий сұғурта тармоғининг қуидаги класслари буйича мажбурий ва ихтиёрий шаклда хизмат курсатиш:

а) баҳтсиз ҳодисалардан эҳтиёт шарт сұғурта қилиш;

б) касалликдан эҳтиёт шарт сұғурта қилиш;

в) ер усти транспорт воситаларини сұғурта қилиш;

г) харакатланадиган темир йўл таркибини сұғурта қилиш;

д) авиация сұғуртаси;

е) денгиз сұғуртаси;

ж) йўлдаги мол-мулкни сұғурта қилиш;

з) мол-мулкни олов ва табиий оғатлардан сұғурта қилиш;

и) мол-мулкни заардан сұғурта қилиш;

к) автофуқаролик жавобгарликни сұғурта қилиш;

л) авиаация сұғуртаси доирасидаги жавобгарликни сұғурта қилиш;

м) денгиз сұғуртаси доирасида жавобгарликни сұғурта қилиш;

н) умумий фуқаролик жавобгарлигини сұғурта қилиш;

о) кредитларни сұғурта қилиш;

п) кафилликни (кафолатларни) сұғурта қилиш;

р) бошқа молиявий таваккалчиликлардан сұғурта қилиш;

с) хуқуқий ҳимоя қилиш билан боғлик харажатларни сұғурта қилиш;

2) сұғуртанинг янги турларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

3) Миллий ва чет эл сұғурта ташкилотлари билан ҳамкорликда қайта сұғурта фаолиятини амалга ошириш;

4) сұғурта буйича консалтинг ва бошқа турдаги маслаҳат хизматларини кўрсатиш;

5) сұғурта агента сифатида воситачилик хизматларини кўрсатиш;

6) Ўзбекистон Республикасининг қонунчилиги доирасида инвестиция фаолиятини

амалга ошириш;

7) ташқи иқтисодий фаолиятни, шу жумладан сұғурта йўналиши бўйича амалга

остириш;

8) сұғурта муносабатларида интеллектуал мулк, фан-техника ютуқлари ва ихтиrolардан фойдаланиш;

9) сұғурта қилинаётган объектларда профилактика ишларини ўтказиш;

10) илмий ва малака дастурларини тузиш, илмий-публицистик семинарлар,

конференцияларни ташкил этиш;

11) суғурта бозорининг профессионал иштироқчилари билан ҳамкорлик қилиш;

12) Жамият эҳтиёжлари учун кадрларни қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини

ошириш ҳамда таълим муассасаларида мутахассисларни тайёрлаш;

13) қонунчиликда тақиқланмаган бошқа фаолият турларини амалга ошириш.

Фаолиятнинг маҳсус рухсат олишни (лицензиялашни) талаб киладиган турлари

маҳсус рухсатнома (лицензия) олингандан сўнг амалга оширилади.

Қонунчиликда белгиланган бошқа фаолият турларини ўрнатилган тартибда амалга ошириши мумкин.

### **3. ЖАМИЯТ УСТАВ ФОНДИ (УСТАВ КАПИТАЛИ)НИНГ МИҚДОРИ**

3.1. Жамиятнинг устав фонди (устав капитали) акциядорлар олган Жамият акцияларининг номинал қийматидан ташкил топади. Жамият томонидан чиқариладиган барча акцияларнинг номинал қиймати бир хил бўлиши керак.

3.2. Жамиятнинг устав фонди (устав капитали) Жамият мол-мулкининг Жамият кредиторлари манфаатларини кафолатлайдиган энг кам миқдорини белгилайди.

3.3. Жамият оддий акцияларни жойлаштириши шарт, шунингдек имтиёзли акцияларни жойлаштиришга хақли.

3.4. Жамият устав фондининг (устав капиталининг) камида тўқсон фоизи пул маблағларида шакллантирилади.

3.5. Жамиятнинг устав фонди (устав капитали) 80 000 000 000,00 (Саксон миллиард) сўмни ташкил қилиб, у ҳар бирининг номинал қиймати 1 000 (Бир минг) сўм бўлган 80 000 000,00 (Саксон миллион) дона эгасининг номи ёзилган оддий акциялардан иборат.

#### **Жамиятнинг устав фонди (капитали)ни қўпайтириш**

3.6. Жамиятнинг устав фонди (устав капитали) қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан қўпайтирилиши мумкин.

3.7. Қўшимча акциялар жамият томонидан ушбу уставда белгиланган эълон қилинган акциялар сони доирасидагина жойлаштирилади.

3.8. Жамият устав фонди (устав капитали)ни ошириш мақсадида жойлаштирилган акцияларига қўшимча равишда чиқариши мумкин бўлган эълон қилинган акциялари суммаси 100 000 000 000,0 (юз миллиард) сўмни ташкил этади, шу жумладан:

Оддий эгаси номи ёзилган акциялар – номинал қиймати 1 000,00 (Бир минг) сўм бўлган 100 000 000 (юз миллион) дона миқдорда.

3.9. Жамиятнинг устав фонди (капитали)ни қўпайтириш қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан қўпайтириш тўғрисидаги қарорда жойлаштириладиган қўшимча акцияларнинг умумий қиймати, сони, тури, номинал қиймати, жойлаштириш тартиби, усули, муддати, жойлаштириш (акцияларнинг биржа ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш) нархи, акциялар учун тўлов тартиби белгиланади.

3.10. Қўшимча чиқарилаётган акциялар очик обуна усули билан белгиланган тартибда фуқаролик-ҳуқуқий битимлар тузиш йўли билан биржа бозорида ёки биржадан ташқари бозорда жойлаштирилади.

3.11. Қўшимча чиқарилган акциялар бозор қийматида, лекин номинал қийматидан кам бўлмаган қийматда жойлаштирилади.

3.12. Жамиятнинг акцияларини ва бошқа қимматли қоғозларини жойлаштириш чоғида уларга ҳақ тўлаш пул ва бошқа тўлов воситалари, мол-мулк, шунингдек пулда ифодаланадиган баҳога эга бўлган ҳуқуқлар (шу жумладан мулкий ҳуқуқлар) орқали амалга оширилади.

#### **Жамиятнинг устав фонди (устав капитали)ни камайтириш**

3.13. Жамиятнинг устав фонди (устав капитали) акцияларнинг номинал қийматини камайтириш ёки акцияларнинг умумий сонини қисқартириш йўли билан камайтирилиши мумкин.

3.14. Агар устав фонди (устав капитали)ни камайтириш натижасида унинг миқдори қонун хужжатларида белгиланган энг кам миқдоридан камайиб кетса, жамият устав фонди (устав капитали)ни камайтиришга ҳақли эмас.

3.15. Устав фонди (устав капитали)ни камайтириш тўғрисида қарор қабул қилган вақтда акциядорларнинг умумий йиғилиши устав фонди (устав капитали)ни камайтириш сабабларини кўрсатади ва уни камайтириш тартибини белгилайди.

#### **Жамиятнинг корпоратив облигациялари ва бошқа қимматли қоғозлари**

3.16. Жамият корпоратив облигацияларни ва бошқа қимматли когозларни чиқаришга ҳамда жойлаштиришга ҳақли.

3.17. Жамиятнинг корпоратив облигациялари Жамият акцияларига айирбошланадиган қимматли қоғозлар булиши мумкин.

3.18. Жамият мол-мулк билан таъминланган корпоратив облигацияларни уларни чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш санасидаги уз капитали миқдори доирасида чиқаришга ҳақли.

3.19. Жамият томонидан корпоратив облигацияларни чиқариш, шу жумладан акцияларга айирбошланадиган корпоратив облигацияларни чиқариш Жамият акциядорларининг умумий йиғилиши қарорига кўра амалга оширилади.

3.20. Жамият томонидан Жамият акциядорларининг умумий йиғилиши қарорига кўра акцияларга айирбошланадиган корпоратив облигациялар чиқарилган тақдирда, мазкур қарор Жамият акциядорларининг барча аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилиниши керак.

### **4. ЖАМИЯТ АКЦИЯЛАРИНИНГ СОНИ, НОМИНАЛ ҚИЙМАТИ, ТУРЛАРИ ВА УЛАР БЎЙИЧА ДИВИДЕНДЛАР ТЎЛАШ ТАРТИБИ**

4.1. Жамиятнинг акциялари эгасининг номи ёзилган эмиссиявий қимматли қоғозлар бўлиб, улар турига кўра оддий ва имтиёзли бўлиши мумкин. Жамиятнинг барча акцияларининг номинал қиймати 1 000,00 (Бир минг) сўмни ташкил этади.

4.2. Агар Жамиятнинг имтиёзли акциялари мавжуд бўлса, Жамият имтиёзли акциялари ўз эгаларига ҳар йили акциялар номинал қийматининг 70 фоизи миқдорида дивиденд олиш ҳуқуқини беради.

4.3. Имтиёзли акциялар эгалари жамият тугатилган тақдирда унинг мулклари тақсимланаётган пайтда оддий акция эгалари ўртасида мулк тақсимоти амалга оширилгунга қадар ўз акцияларининг номинал қийматини оладилар.

4.4. Жамият ўзи жойлаштирган имтиёзли акцияларни олиш нархи уларнинг бозор қийматига мувофиқ белгиланади.

4.5. Дивиденд акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорига кўра пул маблағлари ёки бошқа қонуний тўлов воситалари ёхуд жамиятнинг қимматли қоғозлари билан тўланиши мумкин.

4.6. Жамиятнинг имтиёзли акциялари бўйича дивидендларни қимматли қоғозлар билан тўлашга йўл қўйилмайди.

4.7. Дивиденд акциядорлар ўртасида уларга тегишли акцияларнинг сони ва турига мутаносиб равишда тақсимланади.

4.8. Жамият молиявий йилнинг биринчи чораги, ярим йиллиги, тўққиз ойи натижаларига кўра ва (ёки) молиявий йил натижаларига кўра жойлаштирилган акциялар бўйича дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли.

Жамиятнинг молиявий йилнинг биринчи чораги, ярим йиллиги ва тўққиз ойи натижаларига кўра дивидендлар тўлаш тўғрисидаги қарори тегишли давр тугагандан кейин уч ой ичida қабул қилиниши мумкин.

4.9. Акцияларнинг ҳар бир тури бўйича дивидендлар тўлаш, дивиденднинг миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби тўғрисидаги қарор жамият акциядорининг тавсияси, молиявий ҳисоботнинг ишонччилиги ҳақида аудиторлик хulosаси мавжуд бўлган тақдирда, молиявий ҳисобот маълумотлари асосида Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади.

4.10. Дивидендлар тўлаш тўғрисидаги қарорда дивидендлар тўлаш бошланадиган ва тугалланадиган саналар кўрсатилган бўлиши лозим.

Дивидендларни тўлаш муддати ва тартиби акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорида белгиланади. Дивидендларни тўлаш муддати шундай қарор қабул қилинган кундан эътиборан олтмиш кундан кеч бўлмаслиги лозим.

## **5. ЖАМИЯТНИНГ ЗАХИРА ФОНДИ**

5.1. Жамият соф фойда ҳисобидан захира фондини ҳамда акциядорларнинг умумий йиғилишида аниқланадиган, жамият фаолияти учун зарур бўлган бошқа фондларни ташкил этади.

5.2. Жамиятнинг захира фонди, бошқа маблағлар мавжуд бўлмаган тақдирда, жамиятнинг заарлари ўрнини қоплаш, жамиятнинг корпоратив облигацияларини муомаладан чиқариш, имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар тўлаш ва жамиятнинг акцияларини қайтариб сотиб олиш учун мўлжалланади. Захира фондидан бошқа мақсадларда фойдаланиш мумкин эмас.

5.3. Жамият устав фонди (устав капитали)нинг 15 фоиздан кам бўлмаган миқдорда жамият захира фонди ташкил этилади.

5.4. Жамият захира фондига Ушбу уставнинг 5.3-бандида белгилangan миқдорга етгунига қадар ҳар йили соф фойдадан 5 фоиз миқдорида ажратмалар ўтказади.

5.5. Захира фонди тўлалигича ёки қисман сарфланиб бўлган ҳолларида, мажбурий ажратмалардан тикланади.

## **6. ЖАМИЯТ БОШҚАРУВИНИНГ ТУЗИЛМАСИ**

6.1. Жамият бошқарув органлари

- акциядорларнинг умумий йиғилиши
- Кузатув кенгаши
- ижроия органи (Бош директор).

## **7. ЖАМИЯТ АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ**

7.1. Акциядорларнинг умумий йиғилиши Жамиятнинг юқори бошқарув органидир.

7.2. Акциядорларнинг умумий йиғилишини Жамият кузатув кенгашининг раиси, у узрли сабабларга кўра бўлмаган тақдирда эса, Жамият кузатув кенгашининг аъзоларидан бири олиб боради.

7.3. Жамият акциядорларининг йиллик Умумий йиғилиши ҳар йили молия йили тугаганидан кейин олти ойдан кечиктирмай ўтказилади. Коида тариқасида, акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши ҳар йили июн ойининг иккинчи ярмида ўтказилади.

Жамиятнинг бир фоиздан кам бўлмаган оддий акциялари эгалари акциядорлар умумий йиғилиши кун тартиби, фойдани тақсимлаш, бошқарув ва назорат органи аъзолигига уларнинг номзодини (умумий йиғилиш ўтказилгунга кадар алмаштириш имконияти билан) қўрсатиш юзасидан таклиф киритиш ҳуқуқига эга. Бундай таклифлар молия йили тугаганидан кейин 90 кундан кечиктирмай тақдим этилиши лозим.

7.4. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида Жамиятнинг Кузатув кенгашини сайлаш тўғрисидаги, Жамият Бошқарув Раиси билан тузилган шартноманинг муддатини узайтириш, уни қайта тузиш ёки бекор қилиш мумкинлиги ҳақидаги масалалар ҳал этилади, шунингдек Жамиятнинг йиллик ҳисботи, ижроия органи ва Кузатув кенгашининг Жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича қўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги ҳисботлари ва бошқа ҳужжатлари қўриб чиқилади.

7.5. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишидан ташқари ўтказиладиган умумий йиғилишлари навбатдан ташқари йиғилишлардир.

7.6. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиши санаси ва тартиби, йиғилиш ўтказилиши ҳақида акциядорларга хабар бериш тартиби, акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик вақтида акциядорларга бериладиган материалларнинг (ахборотнинг) рўйхати Жамият Кузатув кенгаши томонидан белгиланади.

7.7. Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига қуйидагилар киради:

1) Жамият уставига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ёки Жамиятнинг янги таҳрирдаги уставини тасдиқлаш, Жамият уставига Жамиятнинг устав фондини кўпайтириш ҳамда Жамиятнинг эълон қилинган акциялари сонини камайтириш билан боғлиқ ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш бундан мустасно;

2) Жамиятни қайта ташкил этиш;

3) Жамиятни тугатиш, тугатувчини (тугатиш комиссиясини) тайинлаш ҳамда оралиқ ва якуний тугатиш балансларини тасдиқлаш;

4) Жамият Кузатув кенгашининг ва миноритар акциядорлар қўмитасининг сони ва таркибини белгилаш, уларнинг аъзоларини сайлаш ва аъзоларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;

5) эълон қилинган акцияларнинг энг кўп миқдорини белгилаш;

6) Жамиятнинг ташкилий тузилмаси кузатув кенгаши томонидан маъқуллангандан сўнг тасдиқлаш ва унга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш;

7) Жамиятнинг устав фондини камайтириш;

8) ўз акцияларини қайтариб сотиб олиш;

9) Жамиятнинг ижроия органини тузиш;

10) Жамиятнинг йиллик ҳисботини тасдиқлаш, шунингдек Жамият фаолиятининг асосий йўналишлари ва мақсадидан келиб чиқсан ҳолда Жамиятни

ўрта муддатга ва узоқ муддатга ривожлантиришнинг аниқ муддатлари белгиланган стратегиясини тасдиқлаш;

- 11) Жамиятнинг фойдаси ва заарларини тақсимлаш;
- 12) Жамият Кузатув кенгашининг ўз ваколат доирасига кирадиган масалалар юзасидан, шу жумладан Жамиятни бошқаришга доир қонун хужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан Жамият кузатув кенгашининг ҳисоботларини эшлиши;
- 13) акциядорлар умумий йиғилишининг регламентини тасдиқлаш;
- 14) акциядорнинг Жамият акциялари ёки бошқа қимматли қоғозларини сотиб олишга доир имтиёзли хуқукини қўлламаслик тўғрисида қарор қабул қилиш;
- 15) акцияларни майдалаш ва йириклишириш;
- 16) қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда йирик битимлар тузиш хақида қарор қабул қилиш;
- 17) қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда Жамиятнинг аффилланган шахслари билан битимлар тузиш хақида қарор қабул қилиш;
- 18) дивидендлар тўлаш тўғрисида қарорни қабул қилиш, акцияларнинг ҳар бир тоифаси ва тури бўйича дивиденд миқдори, тўлов шакли ва тартибини белгилаш;
- 19) ҳомийлик (хайрия) ёки беғараз ёрдам максимал миқдорини аниқлаш;
- 20) мажбурий аудиторлик текширувани ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини белгилаш, ушбу ташкилотнинг хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдори ва у билан шартнома тузиш (шартномани бекор қилиш) тўғрисида қарор қабул қилиш;
- 21) Жамиятнинг ижроия органига тўланадиган ҳақ ва компенсациялар миқдори кузатув кенгаши томонидан маъқулланганидан сўнг тасдиқлаш;
- 22) қонунчиликда ва мазкур Уставда кўзда тутилган бошқа масалаларни ҳал этиш.

7.8. Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига киритилган масалалар Жамиятнинг ижроия органи ҳал қилиши учун берилиши мумкин эмас.

7.9. Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига киритилган масалалар Жамиятнинг Кузатув кенгаши ҳал қилиши учун берилиши мумкин эмас, Жамиятнинг ижроия органини тузиш, бош директор ваколатларини муддатидан илгари тугатиш тўғрисидаги масалаларни ҳал этиш бундан мустасно.

7.10. Овозга қўйилган масала бўйича акциядорлар Умумий йиғилишининг қарори, агар Қонун хужжатларида ва ушбу Уставда бошқача қоида белгиланмаган бўлса, йиғилишда иштирок этаётган Жамият овоз берувчи акциялари эгаси бўлмиш акциядорларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади.

7.11. Мазкур Уставнинг 7.7. бандидаги 1), 2), 3), 5), 13), 17), 18) қисмларида кўрсатилган масалалар бўйича қарорлар, акциядорлар Умумий йиғилиши томонидан акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этаётган овоз берувчи акцияларнинг эгалари бўлмиш акциядорларнинг тўртдан уч қисмидан иборат кўпчилик овози билан қабул қилинади.

7.12. Ушбу Уставнинг 7.7. бандидаги 1) ва 20) қисмларда кўрсатилган масалалар бўйича қарор, акциядорлар умумий йиғилиши томонидан фақат кузатув кенгашининг таклифига биноан қабул қилинади.

7.13. Акциядорларнинг умумий йиғилиши кун тартибига киритилмаган масалалар бўйича қарор қабул қилишга, шунингдек кун тартибига ўзгартишлар киритишга ҳақли эмас.

7.14. Агар акциядор узрли сабабга кўра акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этмаган ёки бундай қарор қабул қилинишига қарши овоз берган бўлса, у акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинган қарор устидан судга шикоят қилишга ҳақлидир.

7.15. Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинган қарорлар, шунингдек овоз бериш якунлари амалдаги қонунчиликда ва ушбу уставда назарда тутилган тартибда, ушбу қарорлар қабул қилинган санадан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай акциядорлар эътиборига етказилади.

7.16. Акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш хуқуқига акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан уч иш куни олдин шакллантирилган Жамият акциядорларининг реестрида қайд этилган акциядорлар эга бўлади.

7.17. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги хабар акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан камида йигирма бир кундан кечиктирмай, лекин узоғи билан ўттиз кун олдин, Жамиятни қайта ташкил этиш масаласи кўрилган ҳолда йиғилиш ўтказилишидан 30 кун олдин Жамият нинг расмий веб-сайтида, оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади, шунингдек акциядорларга электрон почта орқали юборилади.

7.18. Акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган сана уни ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан эътиборан ўн кундан кам ва ўттиз кундан кўп этиб белгиланиши мумкин эмас.

7.19. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши Жамият Кузатув кенгашининг қарорига кўра унинг ўз ташаббуси ва Жамият овоз берувчи акцияларининг камида беш фоизига эгалик қилувчи акциядорнинг ёзма талаби асосида ўтказилади.

7.20. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши ўтказилишини талаб қилаётган акциядорларга тегишли овоз берувчи акциялар улуши бундай талабни кўрсатиш санасида аниқланади.

7.21. Акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш хуқуки акциядор томонидан шахсан ёки унинг вакили орқали амалга оширилади. Акциядор акциядорларнинг умумий йиғилишидаги ўз вакилини исталган вақтда алмаштиришга ёки йиғилишда шахсан ўзи иштирок этишга ҳақлидир.

7.22. Агар Жамиятнинг акцияси бир нечта шахснинг умумий улушли мулкида бўлса, акциядорларнинг умумий йиғилишида овоз бериш ваколатлари уларнинг хоҳишига кўра умумий улушли мулк иштирокчиларидан бири ёки уларнинг умумий вакили томонидан амалга оширилади. Кўрсатиб ўтилган ҳар бир шахснинг ваколатлари тегишли тарзда расмийлаштирилган бўлиши керак.

7.23. Агар акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш учун рўйхатдан ўтказиш тугалланган пайтда Жамиятнинг жойлаштирилган овоз берувчи акцияларининг жами эллик фоизидан кўпроқ овозига эга бўлган акциядорлар (уларнинг вакиллари) рўйхатдан ўтган бўлса, акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколатли (кворумга эга) бўлади. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш учун кворум бўлмаса, акциядорларнинг такрорий умумий йиғилишини ўтказиш санаси эълон қилинади. Акциядорларнинг такрорий умумий йиғилишини ўтказишда кун тартибини ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Агар акциядорларнинг ўтказилмай қолган йиғилиши ўрнига чақирилган такрорий умумий йиғилишида иштирок этиш учун рўйхатдан ўтказиш тугалланган пайтда Жамиятнинг жойлаштирилган овоз берувчи акцияларининг жами қирқ фоизидан кўпроқ овозига

эга бўлган акциядорлар (уларнинг вакиллари) рўйхатдан ўтган бўлса, акциядорларнинг тақорий умумий йиғилиши ваколатли бўлади.

7.24. Кворум бўлмаганлиги сабабли акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш санаси йигирма кундан кам муддатга кўчирилган тақдирда, умумий йиғилишда иштирок этиш хуқуқига эга бўлган акциядорлар ўтказилмай қолган умумий йиғилишда иштирок этиш хуқуқига эга бўлган акциядорларнинг реестрига мувофиқ аниқланади.

7.25. Акциядорлар умумий йиғилишининг баённомаси акциядорларнинг умумий йиғилиши ёпилганидан кейин ўн кундан кечиктирмай икки нусхада тузилади. Ҳар иккала нусха ҳам умумий йиғилишда раислик қилувчи ва умумий йиғилиш котиби томонидан имзоланади. Шунингдек, мазкур йиғилиш баённомасида сайланган қузатув кенгаши аъзоси қайси акциядорнинг вакили эканлиги ёки қузатув кенгашининг қайси аъзоси мустақил аъзо эканлиги кўрсатилиши керак.

7.26. Акциядорлар умумий йиғилишини ташкиллаштириш ва ўтказиш билан боғлиқ бошқа масалалар амалдаги қонунчилик билан тартибга солинади ва Жамият акциядорларининг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган “Акциядорларнинг умумий йиғилиши тўғрисида”ги Низом билан белгиланади.

## **8. ЖАМИЯТ КУЗАТУВ КЕНГАШИ**

8.1. Кузатув кенгаши Қонунчилик ва Уставга мувофиқ Акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколатига кирувчи масалаларни ҳал қилишдан ташқари, жамият фаолияти устидан умумий раҳбарликни амалга оширади.

8.2. Кузатув кенгаши 3 (уч) нафар аъзодан иборат.

8.3. Жамият кузатув кенгашининг аъзолари Қонунчилик, маркуз устав ва “Кузатув кенгаши тўғрисида”ги Низомда кўрсатилган тартибда Акциядорларнинг умумий йиғилиши қарори билан 3 (уч) йил муддатга сайланади.

8.4. Кузатув кенгаши таркибига сайланган шахслар чекланмаган тарзда қайта сайланишлари мумкин.

8.5. Кузатув кенгаши таркибини шакллантириш тартиби, шунингдек, Кузатув кенгаши таркибига сайланадиган шахсларга қўйиладиган Қонунчилик талабларига қўшимча талаблар “Кузатув кенгаши тўғрисида”ги Низомда белгиланиши мумкин.

8.6. Кузатув кенгашининг раиси Кузатув кенгаши аъзоларининг умумий сонига нисбатан кўпчилик овоз билан, ушбу кенгаш таркибидан Кузатув кенгаши аъзолари томонидан сайланади. Бунда, Кузатув кенгаши ўз раисини Кузатув кенгаши аъзоларининг умумий сонига нисбатан кўпчилик овоз билан қайта сайлашга ҳақли.

8.7. Кузатув кенгашининг раиси Кузатув кенгаши мажлисларининг кун тартибини тасдиқлади, унинг ишини ташкил этади, Кузатув кенгаши мажлисларини чақиради ва уларда раислик қиласди, мажлисларда баённома юритилишини ташкил этади.

8.8. Кузатув кенгашининг раиси бўлмаган тақдирда унинг вазифасини Кузатув кенгашининг аъзоларидан бири амалга оширади.

8.9. Кузатув кенгашининг мажлислари тасдиқланган йиллик кун тартибига мувофиқ ўтказилади, шунингдек қўшимча равишда Кузатув кенгашининг раиси томонидан унинг ўз ташаббусига кўра, Кузатув кенгаши аъзоси, ички аудит хизмати ва Бош директорнинг талабига кўра чақирилиши мумкин.

8.10. Кузатув кенгашининг мажлисини ўтказиш учун кворум Кузатув кенгашига сайланган аъзоларнинг 75% (етмиш беш фоизи) дан кам бўлмаслиги лозим.

8.11. Кузатув кенгаши раисининг қарорига биноан, Кузатув кенгашининг мажлиси аъзоларнинг бевосита иштироки орқали (шу жумладан видеоконференция орқали) ёки сиртдан (бюллетеңлар орқали) ўтказилиши мумкин.

8.12. Кузатув кенгаши мажлисини тегишли материаллар илова қилинган ҳолда чақириш тўғрисидаги талаб Кузатув кенгаши раисига Кузатув кенгаши мажлисининг таклиф этилаётган кун тартибини ўз ичига олган тегишли ёзма хабарнома юбориш орқали тақдим этилади. Кузатув кенгаши раиси Кузатув кенгаши мажлисини чақириш тўғрисидаги талаб келиб тушган кундан бошлаб 2 (икки) иш куни мобайнида чақириш (ёки чақиришни рад этиш тўғрисида) тўғрисида қарор қабул қилиши лозим.

8.13. Кузатув кенгашининг мажлиси Кузатув кенгаши раиси томонидан чақирув тўғрисида сўров олинган кундан бошлаб 20 (йигирма) иш кунидан кечикитирмай чақирилиши керак. Бундай мажлисга белгиланган талабни тақдим этган шахс албатта таклиф этилади, агарда бундай шахс Кузатув кенгашининг аъзоси бўлмаса.

8.14. Кузатув кенгашининг раиси, қуидаги ҳолатлардан ташқари, Кузатув кенгашининг мажлисини чақиришни рад этишга ҳақли эмас:

мажлис чақириш тўғрисидаги талаб қонунчиликка ёки ушбу Уставга зид бўлса;

Кузатув кенгаши мажлисини чақиришни талаб қилаётган шахсда бундай талаб этиш хуқуқи мавжуд бўлмаса;

агар Кузатув кенгаши кўриб чиқиши учун таклиф қилинган барча масалаларни ҳал қилиш Кузатув кенгашининг мутлақ ваколатига кирмаса.

8.15. Акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига кўра жамият Кузатув кенгашининг аъзоларига улар ўз вазифаларини бажариб турган давр учун ҳақ тўланиши ва (ёки) Кузатув кенгашининг аъзоси вазифаларини бажариш билан боғлиқ харажатларининг ўрни қопланиши мумкин.

8.16. Жамият кузатув кенгашининг ваколат доирасига қуидагилар киради:

1) Жамият ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чоратадбирлар тўғрисида Жамият ижроия органининг ҳисботини муентазам равишида эшишиб борган ҳолда Жамият фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш;

2) Жамият акциядорларининг йиллик ва навбатдан ташқари Умумий йиғилишларини чақириш, қонунчиликда кўрсатилган ҳолатлар бундан мустасно;

3) Акциядорлар Умумий йиғилишининг кун тартибини тайёрлаш;

4) Акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган сана, вақт ва жойни белгилаш;

5) Акциядорларнинг Умумий йиғилиши ўтказилиши ҳақида хабар қилиш учун Жамият акциядорлари реестрини шакллантириш санасини белгилаш;

6) Ушбу Уставнинг 7.3 бандида кўрсатилган масалаларни ҳал этишни акциядорларнинг Умумий йиғилишига киритиш;

7) Мол-мулкнинг бозор қийматини белгилашни ташкил этиш;

8) Жамиятнинг устав фондини кўпайтириш масалаларни ва Жамият уставига тегишли ўзгартиришлар киритиш тўғрисида қарор қабул қилиш, шунингдек тегишли хужжатларни (акциялар чиқариш тўғрисидаги қарор ва эмиссия рисоласини) тасдиқлаш;

9) Аввал рўйхатдан ўтказилган қимматли қоғозлар чиқарилишларига ўзгартериш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

10) Энг муҳим масалаларни кўриб чиқиш ва жамиятнинг кузатув кенгашига тавсиялар тайёрлаш учун кузатув кенгаши аъзолари орасидан қўмиталар ташкил этилиши мумкин.

Кўмиталарни шакллантириш ва уларнинг ишлаш тартиби, сони ва таркиби жамиятнинг кузатув кенгаши тўғрисидаги низомда белгиланади.

11) Акцияларни жойлаштириш (ташкил этилган қимматли қоғозлар савдоларига чиқариш) нархини белгилаш;

12) Жамиятнинг йиллик бизнес-режасини тасдиқлаш. Бунда Жамиятнинг келгуси йилга мўлжалланган бизнес-режаси жорий йилнинг 1 декабридан кечиктирмай тасдиқланиши лозим;

13) Жамият томонидан корпоратив облигациялар, шу жумладан акцияларга айирбошланадиган облигациялар чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

14) Қимматли қоғозларнинг ҳосилаларини чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

15) Жамиятнинг корпоратив облигацияларини қайтариб сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

16) Жамият бош директорини (бошқарув раисидан ташқари) лавозимга вақтинча тайинлаш ҳамда унинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;

17) Жамиятнинг ижроия органига тўланадиган ҳақ ва компенсациялар миқдорини маъқуллаш;

18) Корпоратив маслаҳатчини тайинлаш ва унинг фаолияти тартибини белгиловчи низомни тасдиқлаш;

19) Жамиятнинг ички аудит хизматини ташкил этиш, унинг ходимларини тайинлаш ва ички аудит хизмати тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш, шунингдек ҳар чоракда унинг ҳисоботларини эшитиб бориш;

20) Жамиятнинг ижроия органи фаолиятига дахлдор ҳар қандай хужжатдан эркин фойдаланиш ва ижроия органидан Жамият Кузатув кенгаши зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун уларни олиш. Олинган хужжатлардан Жамият Кузатув кенгаши ва унинг аъзолари фақат хизмат мақсадларида фойдаланишлари мумкин;

21) Дивиденд миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби юзасидан тавсиялар бериш;

22) Қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда йирик битимлар тузиш хақида қарор қабул қилиш (йирик битим тузиш масаласи бўйича Жамият кузатув кенгашининг яқдиллигига эришилмаган тақдирда йирик битим тузиш тўғрисидаги масала Кузатув кенгашининг қарорига кўра акциядорларнинг умумий йиғилиши ҳал қилиши учун олиб чиқилиши мумкин);

23) Жамиятнинг захира фонди ва бошқа фондларидан фойдаланиш;

24) Қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда Жамиятнинг аффилланган шахслари билан битимлар тузиш хақида қарор қабул қилиш;

25) Жамиятнинг филиалларини ташкил этиш ҳамда ваколатхоналарини очиш ва тугатиш;

26) Жамиятнинг шўъба ва тобе корхоналарини ташкил этиш;

27) Жамиятнинг тижорат ва нотижорат ташкилотлардаги иштироки билан боғлиқ битимларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тузиш;

28) Ташкилий тузилмани ишлаб чиқиш, жорий этиш ва мунтазам баҳоланиши бўйича ишларнинг қонунчиликда белгиланган талабларга мувофиқ тарзда амалга оширилишини мувофиқлаштириш ҳамда маъқуллаш;

29) ҳомийлик (хайрия) ёки беғараз ёрдам кўрсатиш (олиш) тартиби ва шартларини белгилаш ҳамда бу борада қарор қабул қилиш хуқуқини фақат акциядорларнинг умумий йиғилиши, мазкур уставда ва қонун хужжатларида белгиланган доирада, бу ҳақда барча акциядорлар учун маълумотларни ошкор этган тарзда беради;

30) Корпоратив бошқарув тизимини баҳолашни ўтказиш учун мустақил ташкилотни танлов асосида ўтказиш;

ушбу Устав ва амалдаги қонунчиликка мувофиқ Жамият Кузатув кенгаши ваколатларига киритилган бошқа масалаларни ҳам ҳал этиш.

8.17. Жамият Кузатув кенгашининг ваколатларига киритилган масалалар ҳал қилиш учун Жамият Ижроия органига ўтказилиши мумкин эмас.

8.18. Жамият ижроия органи аъзолари Жамиятнинг кузатув кенгашига сайданиши мумкин эмас.

8.19. Жамиятда меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаётган шахслар Жамият Кузатув кенгашининг аъзолари бўлиши мумкин эмас.

8.20. Жамият Кузатув кенгаши таркибига сайланадиган шахсларга нисбатан кўйиладиган талаблар акциядорлар Умумий йиғилишида тасдиқланган “Жамият Кузатув кенгаши туғрисида”ги Низомида белгилаб қўйилади.

8.21. Жамиятнинг Кузатув кенгаши аъзолари сайлови кумулятив овоз бериш орқали амалга оширилади.

8.22. Кумулятив овоз беришда ҳар бир акциядорга тегишли овозлар сони Жамиятнинг Кузатув кенгашига сайлананиши лозим бўлган шахслар сонига кўпайтирилади ва акциядор шу тариқа олинган овозларни битта номзодга тўлиқ беришга ёки уларни икки ва ундан ортиқ номзодлар ўртасида тақсимлашга ҳақлидир. Энг кўп овоз тўплаган номзодлар Жамият Кузатув кенгаши таркибига сайланган деб ҳисобланади.

8.23. Жамият Кузатув кенгашининг раиси унинг ишини ташкил этади, кузатув кенгаши мажлисларини чақиради ва уларда раислик қиласида, мажлисда баённома юритилишини ташкил этади ва акциядорлар умумий йиғилишларида раислик қиласида.

8.24. Жамият Кузатув кенгаши мажлислари унинг Раиси томонидан ҳар чоракда камида бир марта чақирилади. Жамият Кузатув кенгашининг мажлиси Кузатув кенгашининг Раиси томонидан унинг ўз ташаббусига кўра, шунингдек талабига кўра чақирилади:

-Кузатув кенгаши аъзоларининг;

-Жамият ижроия органи аъзосининг;

-Жамият овоз берувчи акцияларининг ҳаммаси бўлиб камида бир фоизига эгалик қилувчи акциядорлар (акциядор);

-ички аудит ҳизмати бошлигининг;

-Жамиятнинг бир фоиздан кам бўлмаган оддий акциялари эгаларининг (кун тартиби, фойдани тақсимлаш, бошқарув ва назорат органи аъзолигига уларнинг номзодини (умумий йиғилиш ўтказилгунга қадар алмаштириш имконияти билан) кўрсатиш юзасидан таклиф киритиш хуқуки тақдим этилади);

-қонунчиликда ва мазкур Уставда кўрсатилган бошқа ҳолларда.

8.25. Жамият Кузатув кенгаши аъзоларининг сони Ушбу Уставнинг 8.2. бандида назарда тутилган миқдорнинг етмиш беш фоизидан кам бўлган тақдирда, Жамият Кузатув кенгашининг янги таркибини сайлаш учун акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириши шарт. Кузатув кенгашининг қолган аъзолари акциядорларнинг бундай навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисида қарор қабул қилишга, шунингдек Жамият ижроия органи раҳбарининг ваколатлари муддатидан илгари тутатилган тақдирда, унинг вазифасини вақтинча бажарувчини тайинлашга ҳақлидир.

8.26. Жамият Кузатув кенгашининг бир аъзоси ўз овозини Кузатув кенгашнинг бошқа аъзосига беришига ҳақли эмас.

8.27. Жамият Кузатув кенгаши аъзоларининг овозлари тенг бўлган ҳолда, Жамият Кузатув кенгаши Раисининг овози ҳал этувчи ҳисобланади.

8.28. Жамият Кузатув кенгаши қарорлари билан Жамият акциядорлари таниширилиши мумкин. Жамият акциядорлари Жамиятнинг қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳужжатлари билан ҳам танишишлари мумкин.

8.29. Жамият кузатув кенгашининг қарорлари сиртдан овоз бериш йўли билан (сўров йўли билан) Жамият Кузатув кенгашининг барча аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилиниши мумкин.

8.30. Жамият кузатув кенгашининг мажлисида баённома юритилади. Кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси мажлис ўtkазилганидан сўнг ўн кундан кечиктирмай тузилади.

8.31. Жамият кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси мажлисда иштирок этаётган Жамият кузатув кенгаши аъзолари томонидан имзоланади, улар мажлис баённомаси тўғри расмийлаштирилиши учун жавобгар бўлади.

8.32. Жамият кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси имзоланган куни Жамиятнинг ижроия органига ижро этиш учун топширилади. Кузатув кенгаши акциядорларнинг умумий йиғилишини чақириш тўғрисида қарор қабул қилган тақдирда мазкур қарор ҳақидаги ахборот Жамиятнинг ижроия органига кузатув кенгашининг мажлиси ўtkазиладиган куни топширилади.

8.33. Акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига кўра, Жамият Кузатув кенгаши аъзоларига улар ўз вазифаларини бажариб турган даврда ҳақ тўланиши ва кузатув кенгашининг аъзоси вазифасини бажариш билан боғлиқ харажатлари қопланиши мумкин. Бундай ҳақ ва тўловларнинг миқдори акциядорлар умумий йиғилиши қарори билан белгилаб қўйилади.

8.34. Жамият Кузатув кенгашининг аъзолари, ўз ҳукуқларини амалга оширишда ва ўз бурчларини бажаришда Жамият манфаатларини кўзлаб иш тутишлари лозим.

8.35. Жамият Кузатув кенгаши аъзолари Жамият ва унинг акциядорлари олдидаги ўз мажбуриятларини зарур даражада бажармаганликлари учун қонун ҳужжатларига ва мазкур Уставга мувофиқ жавобгар бўладилар.

8.36. Жамиятга зарар етказилишига сабаб бўлган қарорга овоз беришда иштирок этмаган ёки ушбу қарорга қарши овоз берган Жамият кузатув кенгаши аъзолари жавобгар бўлмайди, қонунчиликда кўрсатилган ҳолатлар бундан мустасно.

## **9. ЖАМИЯТНИНГ ИЖРОИЯ ОРГАНИ**

9.1. Жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик қилиш ваколати яккабошлилик асосидаги ижроия орган - Жамият Бош директори томонидан амалга оширилади.

9.2. Жамият Бош директори яккабошчилик асосидаги ижроия орган хисобланиб, унинг қундалик фаолиятини бошқаради ва оператив раҳбарликни Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги, Жамият устави, акциядорлар умумий йиғилиши ва Жамият кузатув кенгаши қарорларига мувофиқ амалга оширади.

9.3. Жамият Бош директори томонидан ушбу устав ва меҳнат шартномаси шартлари қўпол равишда бузилса, ёхуд Жамият бизнес-режасининг тасдиқланган кўрсатгичларни бажарилиши бузилган ҳолларда ва уларнинг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) натижасида Жамиятга келтирилган заарлари сабабли улар билан тузилган шартнома Жамият акциядорларининг умумий йиғилиш қарорига биноан муддатидан илгари бекор қилиниши мумкин.

9.4. Жамият Бош директори ваколати муддатидан илгари тугатилган тақдирда, Жамият кузатув кенгаши қарори билан белгиланган шахс унинг вазифаларини акциядорларнинг навбатдаги умумий йиғилишигача бўлган даврда вақтинча бажариб туришига йўл қўйилади.

9.5. Жамият Бош директори акциядорлар умумий йиғилишининг ваколатлари ва кузатув кенгаши ваколатларига киритилган масалалардан ташқари барча масалаларни ҳал қилиш ваколатига эга.

9.6. Жамият Бош директори акциядорлар умумий йиғилишига ва кузатув кенгаши ҳисбот беради.

9.7. Жамият Бош директори билан меҳнат шартномасини Жамият номидан Жамият акциядорларининг умумий йиғилиш раиси ёки Жамият кузатув кенгаши раиси имзолайди.

9.8. Жамият Бош директори акциядорлар умумий йиғилиши томонидан уч йиллик муддатга сайланади (тайинланади). Жамият ижро органининг раҳбарини тайинлаш тўғрисидаги қарор, одатда, янгича фикрлайдиган, замонавий талабларга жавоб берадиган юқори малакали раҳбарлар, шунингдек, хорижий менежерлар ҳам иштирок этиши мумкин бўлган танлов асосида қабул қилинади.

9.9. Жамият Бош директорига тўланадиган ҳақ микдори Жамият фаолиятининг самарадорлигига тўғридан-тўғри боғлиқ бўлади ва меҳнат шартномасида белгиланган бўлади.

9.10. Жамиятнинг Бош директори вазифаларини бошқа ташкилотларнинг бошқарув органларидаги лавозим билан биргаликда эгаллаб туришга факат Жамият кузатув кенгашининг розилиги билан йўл қўйилади.

9.11. Жамият Бош директори билан тузиладиган шартномада уларнинг жамият фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича мажбуриятлари ҳамда Жамиятнинг йиллик бизнес-режасини бажариш қандай бораётганлиги юзасидан кузатув кенгаши олдида берадиган ҳисботларининг даврийлиги назарда тутилиши керак.

9.12. Жамият Бош директорининг ваколатларига қўйидагилар киради:

- мазкур устав, акциядорларининг умумий йиғилиши ва кузатув кенгаши томонидан ўзига берилган ваколатларга мувофиқ Жамиятнинг ишига самарали ва барқарор ишлashingни таъминлаган ҳолда унинг жорий фаолиятига раҳбарлик қилиш;
- акциядорлар умумий йиғилиши ва кузатув кенгаши қарорларининг бажарилишини ташкил этиш;
- Жамият фаолиятининг асосий йўналишлари ва мақсадидан келиб чиққан ҳолда жамиятни ўрта муддатга ва узоқ муддатга ривожлантиришнинг аниқ муддатлари белгиланган стратегиясини таъминлаш ва олиб бориш;

- Жамиятни бизнес-режалари ишлаб чиқиш ва бажариш;
- Жамият ҳисботини акциядорларнинг умумий йигилишига ва кузатув кенгашига белгиланган муддатда тақдим этиш;
  - филиал ва шўъба хўжаликлар фаолиятининг йўналишларини белгилаш, бизнес режаларни тасдиқлаш ва ҳисботларни бажарилишини таъминлаш;
  - ўз ваколатлари доирасида Жамиятнинг мол –мулки ва пул маблағларини тасарруф этиш;
  - ўз ваколати доирасида мол-мулкни сотиб олиш ва мол-мулкни бошқа шахсга ўтказиш билан боғлик битимлар (умумий қиймати қарор қабул қилинган санада Жамият соғ активларининг 15 фоизигача ташкил этадиган битимлар ёки ўзаро боғлик бир қанча битимлар) тузиш;
  - Жамиятнинг таркибий бўлинмалар тўғрисидаги низомлар, ходимларнинг лавозим йўриқномаларини тасдиқлаш;
  - Жамиятнинг ички меъёрий хужжатларини тасдиқлаш, акциядорлар умумий йиғилишининг ва кузатув кенгашининг ваколатларига киритилган масалалар бундан мустасно;
  - Жамиятнинг тижорат сирини ташкил этувчи маълумотлар рўйхатини белгилаш;
  - Жамият номидан битимлар тузиш, Жамиятнинг шўъба хўжалик жамияти ва филиаллари ёки ваколатхонаси раҳбарларини лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод этиш;
  - филиал ва шўъба хўжалик жамияти фаолиятининг асосий йўналишларини белгилаш ва уларнинг бизнес-режаларини ва бажариш тўғрисидаги ҳисботларини тасдиқлаш;
  - Жамият филиаллари ва шўъба хўжалик жамиятларининг штат жадвалларини тасдиқлаш;
  - Жамият шўъба хўжалик жамиятлари, ваколатхоналари ва филиаллари учун мажбурий бўлган қарор, бўйруқ ва фармойишлар чиқариш;
  - Жамият номидан ишончномасиз иш юритади, давлат муассасалари, барча мулк шаклларидаги корхона ва ташкилотларда унинг манфаатларини ҳимоя қиласди;
  - банкларда ҳисоб рақамлар шу жумладан валюта ҳисоб рақамларини очади ва Жамиятнинг банк ва бошқа молия хужжатларида биринчи имзо ваколатига эга бўлади;
  - ўзининг ваколатлари доирасида, Жамият мижозлари, корхона ва ташкилотлар билан шартномалар ва контрактларни имзолайди ва битимлар тузади;
  - Жамият номидан амалдаги қонунчиликка асосан ишончномаларни беради;
  - Жамият Бош директори қонунчилик, ушбу устав ва Жамиятнинг меъёрий хужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларга ҳам эга бўлиши мумкин.

#### 9.13. Жамият Бош директорининг мажбуриятлари:

- Жамиятни ривожлантириш дастурлари ва бизнес-режаларини ишлаб чиқиш, уларни ташкил этиш ва бажарилишини назорат қилиш;
- Жамиятнинг ваколатли бошқарув органи томонидан тасдиқланган бизнес-режада
  - кўрсатилган миқдорларда фойда олишни таъминлаш;
  - Жамиятнинг таркибий бўлинмаларининг ўзаро самарали ҳаракатини таъминлаш;

- Жамият ходимларининг ижтимоий кафолатларига риоя қилинишини ва улар меҳнатини муҳофаза қилишни таъминлаш;
- ўз ваколатига тегишли ишларнинг ҳолати тўғрисидаги ахборотни акциядорларнинг умумий йигилишига белгиланган муддатда тақдим этиш;
- акциядорларининг умумий йигилишида қатнашиш, дивидендлар ҳисобланиши ва тўланиши бўйича акциядорларнинг барча ҳуқуқларига риоя қилиш;
- Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига, ҳамда Жамият ички ҳужжатларига риоя қилиш;
- қонунчиликка мувофиқ Жамиятда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисботининг ташкил этилиши, зарур ҳолати ва ишончлилигини, йиллик ҳисботлар ва бошқа молиявий ҳисботлар тегишли органларга ўз вақтида тақдим этилишини, шунингдек акциядорларга, кредиторларга ва бошқа олувчиларга юбориладиган Жамият фаолияти тўғрисидаги маълумотлар тақдим этилишини таъминлаш;
- Жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти тўғрисидаги ҳужжатлар Жамиятнинг акциядорларининг умумий йигилиши, кузатув кенгаси ёки Жамият аудитори талабига кўра тақдим этиш;
- Жамиятнинг тижорат сирини ташкил этувчи ахборотларни сақлаш;
- хизмат ёки тижорат сирини ташкил этувчи ахборотнинг Жамият ходимлари томонидан сақланишини таъминлаш;
- Жамиятни малакали кадрлар билан таъминлаш, Жамият ходимларининг билими, малакаси, тажрибаси ва қобилиятларидан энг яхши фойдаланиш чораларини кўриш;
- давлат статистика ҳисботи ва бухгалтерия ҳисботини тегишли органларга тўлиқ ва ўз вақтида тақдим этилишини таъминлаш;
- Жамият Бош директори, қонунчилик, ушбу устав ва Жамиятнинг меъёрий ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

#### 9.14. Жамият Бош директорининг ҳуқуқлари:

- қонунчиликка, мазкур устав ва меҳнат шартномасига асосан ўзига тегишли ваколатларга мувофиқ, мустақил равишда Жамиятнинг жорий фаолиятида раҳбарлик қилишда
- туғилган барча саволларни ҳал этиш;
- Жамият номидан ишончномасиз иш юритиш, ҳамда унинг манфаатларини бошқа ташкилотлар ва органлар олдида ҳимоя қилиш;
- Жамият ходимларини ишга қабул қилиш, улар билан меҳнат шартномаларини тузиш ва бекор қилиш;
- Жамият ходимларига нисбатан интизомий жазо чораларини қўллаш, улар томонидан меҳнат ва ижро интизомини сақлаб туришини таъминлаш;
- Жамиятнинг барча ходимлари томонидан бажарилиши мажбурий бўлган буйруқ ва фармойишлар чиқариш ва кўрсатмалар бериш;

Жамият Бош директори қонунчилик, ушбу устав ва Жамиятнинг меъёрий ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

9.15. Жамият Бош директори ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ва ўз мажбуриятларини бажаришда Жамият манфаатларини қўзлаб иш тутиши лозим.

9.16. Жамият Бош директори қонун ҳужжатларига ва ушбу уставга мувофиқ Жамият олдида жавобгардир.

9.17. Жамият Бош директори мазкур устав ва акциядорлар умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган “Ижроия органи тўғрисида”ги Низом асосида иш олиб боради.

## **10. ЖАМИЯТНИНГ ТАФТИШЧИСИ, ИЧКИ АУДИТ ХИЗМАТИ ВА АУДИТОРЛИК ТАШКИЛОТИ**

10. Активларнинг баланс киймати базавий ҳисоблаш миқдорининг юз минг баробаридан кўп бўлган Жамиятда ички аудит хизмати ташкил этилади. ички аудит хизмати Жамият қузатув кенгашига ҳисобдордир.

10.1. Жамиятнинг ички аудит хизмати Жамиятниг ижроия органи, филиаллари, бўлимлар, бошқа алохидা бўлинмалар ва ваколатхоналари томонидан конун хужжатпарига, Жамият Уставига ва бошқа хужжатларга риоя этилишини бухгалтерия ҳисобида ва молиявий хисботларда маълумотларнинг тўлик хамда ишончли тарзда акс эттирилиши таъминланишини, хўжалик операцияларини амалга оширишнинг белгиланган коидалари ва тартиб-таомилларига риоя этилишини, активларни сақланишини, шунингдек Жамиятни бошқариш юзасидан конун хужжатларида белгиланган талабларга риоя этилишини текшириш хамда мониторинг олиб бориш орқали Жамиятнинг ижроия органи, филиаллари ва ваколатхоналри ишини назорат қиласида баҳолайди.

10.2. Жамиятнинг ички аудит хизмати ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг “Аудиторлик фаолият тўғрисида”ги Конуни хамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Устав фондида давлат улуши бўлган корхоналарнинг самарали бошқарилишини ва давлат мулкининг зарур даражада ҳисобга олинишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори билан тасдиқланган Низом талабларига мувофиқ амалга оширади.

10.3. Аудиторлик ташкилоти Жамият билан тузилган шартномага мувофиқ Конун хужжатларида белгиланган тартибда Жамият молия-хўжалик фаолиятининг текширипишини амалга оширади ва унга аудиторлик хулосасини тақдим этади.

10.4. Аудиторлик ташкилоти Жамиятнинг молиявий хисботи ва молияга доир бошқа ахборот хакидаги нотўғри хулосани ўз ичига олган аудиторлик хулосаси тузилганлиги оқибатида етказилган зарар учун Жамият олдида жавобгар бўлади.

## **11. ЖАМИЯТНИНГ ҲИСОБИ ВА ҲИСОБОТИ, ҲУЖЖАТЛАРНИ САҚЛАШ, ЙИЛЛИК ҲИСОБОТЛАРНИ ТУЗИШ, ТЕКШИРИШ ВА ТАСДИҚЛАШ ТАРТИБИ**

11.1. Жамият қонун хужжатларида белгиланган тартибда бухгалтерия ҳисобини юритиши ва молиявий ҳисбот тақдим этиши шарт.

11.2. Жамиятда бухгалтерия ҳисобининг ташкил этилиши, ҳолати ва ишончлилиги, тегишли органларга ҳар йилги ҳисботи ва бошқа молиявий ҳисботлар, шунингдек Жамиятнинг расмий веб-сайтида ва оммавий ахборот воситаларида акциядорларга, кредиторларга тақдим этиладиган Жамият фаолияти тўғрисидаги маълумотлар ўз вақтида тақдим этилиши учун жавобгарлик Жамият ижроия органининг зиммасида бўлади.

11.3. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида Жамиятнинг йиллик ҳисботи кўриб чиқилади.

11.4. Жамиятнинг йиллик ҳисботи акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши

ўтказиладиган санадан ўн кундан кечиктирмай Жамиятнинг акциядорларнинг умумий йиғилиш томонидан дастлабки тарзда тасдиқланиши лозим.

11.5. Жамиятнинг молиявий ҳисоботида кўрсатилган ва акциядорларнинг умумий йиғилишига тақдим этиладиган молиявий ҳисоботдаги, бухгалтерия балансидаги, фойда ва заарлар ҳисобварагидаги маълумотларнинг ишончлилиги мулкий манфаатлари Жамият ёки унинг акциядорлари билан боғлиқ бўлмаган аудиторлик ташкилоти томонидан тасдиқланган бўлиши керак.

11.6. Жамият Халқаро молиявий ҳисобот стандартларига мувофиқ тузилган йиллик молиявий ҳисоботни у Халқаро аудит стандартларига мувофиқ ташки аудитдан ўтказилганидан кейин, акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан камида икки ҳафта олдин эълон қилиши шарт.

#### 11.7. Жамият:

Жамиятнинг уставини, уставга киритилган, белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган ўзгартириш ва қўшимчаларни, Жамиятни ташкил этиш тўғрисидаги қарорни, Жамият давлат рўйхатидан ўтказилганлиги ҳақидаги гувоҳномани;

Жамиятнинг ўз балансидаги мол-мулкка бўлган ҳуқуқларини тасдиқловчи хужжатларни;

акциядорларнинг умумий йиғилиши ва Жамиятнинг бошқа бошқарув органлари томонидан тасдиқланадиган хужжатларни;

Жамиятнинг филиали ёки ваколатхонаси ҳақидаги низомни;

Жамиятнинг йиллик ҳисоботини;

эмиссиявий қимматли қофозларни чиқариш тўғрисидаги қарорларни;

акциялар эмиссияси рисоласини;

бухгалтерия ҳисобига доир хужжатларни;

тегишли органларга тақдим этиладиган молиявий ҳисоботларни;

Жамият акциядорлари умумий йиғилишларининг ва Жамият Бош директори буйруқларини;

Жамиятнинг аффилланган шахслари рўйхатларини;

Жамият акциядорларининг реестрларини;

Жамият аудиторлик ташкилотининг хulosалари ва ҳисоботларини, назорат килувчи давлат органларининг текширувлари далолатномаларини сақлаши шарт.

11.8. Жамият қонун хужжатларига мувофиқ бошқа хужжатларни ҳам сақлаши шарт

## 12. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

12.1. Устав бўйича келиб чиқадиган барча низо ва келишмовчиликлар акциядорларнинг ўзаро келишуви йўли билан амалдаги қонун хужжатлари ва ушбу Уставга асосан ҳал қилинади.

12.2. Низо ва келишмовчиликларни музокаралар йўли билан ҳал қилиш имконияти бўлмаган тақдирда улар тегишли равишда суд орқали ҳал қилинади.

12.3. Мазкур Устав Ўзбекистон Республикасининг қонун хужжатларида белгиланган тартибда давлат рўйхатига олинган вақтдан бошлаб кучга киради.



## Ma'lumotlarni o'zgartirish haqida ma'lumotnoma

### O'zgartirishdan oldin

Soliq to'lovchisining identifikatsiya raqami (STIR)  
308 446 198

Nomi

IMPEX-INSURANCE

Tashkiliy-huquqiy shakli

Aksiyadorlik jamiyatি

Joylashgan joyi (manzili)

Toshkent shahri, Yunusobod tumani, Тошкент шаҳри,  
Юнусобод тумани, Кичик ҳалқа автомобил йўли  
кўчаси, Уй 38а

Faoliyat turi

### O'zgartirishdan keyin

Soliq to'lovchisining identifikatsiya raqami (STIR)  
308 446 198

Nomi

IMPEX-INSURANCE

Tashkiliy-huquqiy shakli

Aksiyadorlik jamiyatি

Joylashgan joyi (manzili)

Toshkent shahri, Yunusobod tumani, Тошкент шаҳри,  
Юнусобод тумани, Кичик ҳалқа автомобил йўли  
кўчаси, Уй 38а

Faoliyat turi

22.07.2024

Guvohnoma olingan sana

2525122

Ariza raqami

2673922





O'zbekiston Respublikasi

Adliya vazirligi

## Ma'lumotlarni o'zgartirish haqida ma'lumotnoma

### O'zgarishdan oldingi aksiyalar

Aksiya to`g`risida ma'lumot

Oddiy aksiyalar

Aksiyalar soni: 45000000

Aksiya bahosi: 1000 so'm

Ustav fondi

45 000 000 000 so'm



22.07.2024

Guvohnoma olingan sana

2525122

Ariza raqami

2673922





O'zbekiston Respublikasi

Adliya vazirligi

## Ma'lumotlarni o'zgartirish haqida ma'lumotnoma

### O'zgarishdan keyingi aksiyalar

Aksiya to`g`risida ma'lumot

Oddiy aksiyalar

Aksiyalar soni: 45000000

Aksiya bahosi: 1000 so'm

Ustav fondi

45 000 000 000 so'm



22.07.2024

Guvohnoma olinigan sana

2525122

Ariza raqami

2673922

